



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

АҲОЛИГА ТЕЗ ТИББІЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш ва яқинлаштириш, шунингдек, 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан "Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадри учун" мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Республика тез тиббий ёрдам маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ва унинг 14 та ҳудудий филиали тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда тиббий автоҳужаликлар негизида ташкил қилинсин ва тез тиббий ёрдамнинг ягона вертикал бошқарув тизими йўлга қўйилсин.

2. Белгилансинки: Марказ Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги тез тиббий ёрдам фаолиятини республика бўйича мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда махсус автотранспорт воситалари (эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқалар), дори воситалари ва сарфлаш материаллари, тиббий жхозлар таъминоти Марказнинг ҳудудий филиалларига ўтказилади;

Марказ ва унинг ҳудудий филиалларида ситуацион мувофиқлаштирувчи бўлимлар ташкил этилиб, туман (шаҳар) ва ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини таҳлиллар асосида бошқарилиши ва такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги автоҳужаликлар таркибидagi тез тиббий ёрдам автотранспорт воситалари Марказнинг ҳудудий филиаллари таркибига ўтказилади ҳамда автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш аутсорсинг шартномалари асосида амалга оширилади;

тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларида ёқилғи-мойлаш материалларининг сарфи электрон дастур орқали назорат қилинади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) бир ой муддатда Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари уставлари ва тузилмаларини тасдиқласин. Бунда, Марказ директориға, зарур ҳолларда, тасдиқланган тузилмаларга ходимларнинг чекланган умумий сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Давоми 2-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

АҲОЛИНИНГ ШАКАРГА ЙИЛЛИК ЭҲТИЁЖИ 650 МИНГ ТОННА

ишлаб чиқариш ҳажми эса 720 минг тонна



Сўнги кунларда юртимизда айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари қаторида шакар нархи ҳам сезиларли даражада кўтарилди. Бу эса бозорларда, турли савдо нуқталарида ушбу маҳсулотга наъбатлар ҳосил бўлиши, одамлар орасида гап-сўзлар кўпайишига олиб келди.

Ҳўш, бунинг сабаблари нимада ва ҳозирги кунда шакар нархини арзонлаштириш борасида қандай чоралар кўриломоқда? Ушбу саволларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан юртимиздаги шакар ишлаб чиқарувчи йирик субъектларнинг бири — "Анрен шакар" масъулияти чекланган жамиятига уюштирилган пресс-тур давомида жавоб олишга ҳаракат қилдик.

Давоми 2-бетда

QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!



Ҳақим Йўлдошев олган суратлар.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

ФЕНОМЕН ҲОДИСАЛАР

(Иккинчи мақола)



Ният қилганимиздек, ижтимоий сафарбарлик ва фаол фуқаролик позициясининг миллий тараққиётимиздаги ўрни ҳақидаги мулоҳазаларимизни иккинчи мақоламизда давом эттиряпмиз. Шу боис, фикрларимизни мухтасар қилиб айтидиган бўлсак, янги Ўзбекистонни барпо этишнинг, одамларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири қонун ва адолат устуворлигини таъминлашдан иборат.

Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ КОНСТИТУЦИЯ ДАРАЖАСИДА КАФОЛАТЛАНИШИ КЕРАК

Инсоннинг меҳнат қилиши — фазилат. Лекин бу фақат меҳнат учун яшаш керак, дегани эмас. Кейинги йилларда фуқаролар меҳнат ҳуқуқини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар мақсади меҳнат орқали фаровонликни оширишдир.

Меҳнат шaroитларини яратиш ва яхшилаш билан бирга, фуқаролар саломатлигини тиклаши, дам олиши, oilаси даврасида яқинлари ва фарзандлари билан кўпроқ вақт ўтказиши масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ишлар замирида инсонни қадрлаш, унинг орзу-истакларини ҳурмат қилишдек эзгу мақсад мужассам, албатта.

Дарҳақиқат, инсон меҳнат қилар экан, ҳам маънан, ҳам жисмонан ҳордиқ олишга эҳтиёж сезади. Меҳнат қонунчилигида ҳар бир шахс дам олиш ҳуқуқига эгаллиги, меҳнат шартномаси бўйича ишловчининг қонунда белгиланган иш вақти давомийлиги, дам олиш ва байрам кунлари, ҳақ

тўланадиган ҳар йилги таътил кафолатланиши белгилаб қўйилган.

Йиллик, ҳафталик фаолияти давомида ҳар бир ишчи-ҳодим дам олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Бу, албатта, унинг келгусида янада самарали меҳнат қилиши, ишида унум бўлишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, фуқаро дам олиш кунлари oilасига ҳам вақт ажратади. Фарзандларининг ҳол-аҳволи, ўй-фикрлари билан қизиқади, режалари билан ўртоқлашади. Ишлайдиган йигит-қизлар дам олиш вақтида қўшимча фойдали машғулотлар билан шуғулланишга имкон топади. Чет тилларни ўрганиш дейсизми, китоб мутлоаси, дўстлар даврасида янги марралар,

ғоялар ҳақида суҳбатлашади.

Ана шу асосларга кўра, ҳар бир шахснинг дам олиш ҳуқуқини Бош қонунда ҳам мустаҳкамлаш тақлифини билдирмоқчиман.

Амалдаги Конституциямизнинг иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Унда фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар белгилаб берилган. Хусусан, 38-моддада ёланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгаллиги, иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

Давоми 4-бетда

ИНВЕСТИЦИЯ

БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ

Бугунги кундалик ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур қилиш қийин. "Akse Enerji Bukhara" компанияси томонидан Бухоро туманида янги электрстанциянинг ишга туширилиши юртимиз энергия саноати ривожидagi муҳим қадамлардан бири бўлди, десак муболаға бўлмайди.



Давоми 2-бетда

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

ИНВЕСТИОРЛАР КОЛЛЕЖГА САРМОЯ КИРИТДИ

Анрен шаҳрида яшовчи Шаҳзод Маманов мактабни тузатди, лекин олий ўқув юртига ҳужжат топширмади. У азалий орзуси — Анрен иссиқлик электр станциясида ишга жойлашишга уринди. Табиийки, у зарур касбий таълим ва малакага эга эмаслиги боис, кўзлаган мақсадига эришолмади. Суриштириб билди: Ширин шаҳрида худди шу йўналишда мутахассислар тайёрлайдиган ўрта-махсус таълим муассасаси бор экан. Ҳаммаси қулай. Уйда ўтирган жойида интернет орқали мазкур таълим масканига ҳужжат топширди. Белгиланган куни тест синовларидан муваффақиятли ўтди. Ширин энергетика коллежига келгач эса таълим даргоҳи ҳақидаги тасавуurlари парчаланиб кетди. Не кўз билан кўрсинки, қаршисида ҳеч қайси бир олий таълим муассасасидан қолшмайди, айрим кўрсаткичлари бўйича ҳатто уларни ортда қолдирадиган замонавий таълим даргоҳи қад ростлаб турарди.

Давоми 5-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ТЕЗ ТИББЫЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий филиаллари, марказий туман (шаҳар) шифохоналари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги автохўжаликларнинг янгиланган штат нормативларини ишлаб чиқсан ва **2022 йил 1 сентябрга қадар** тасдиқласин.

5. Қуйидагилар:
Тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва аҳолига янада яқинлаштиришга оид чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) таркиби 2-иловага мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам хизматини слоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича **ишчи гуруҳ** (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) таркиби 2-иловага мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам тизимида мавжуд автотранспорт воситалари паркин босқичма-босқич янгилаш режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ишчи гуруҳ (О.Фазилкаримов):
Дастурда белгиланган чора-тадбирлар ижросининг таҳлил қилинишини;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида қабуллаштирилаётган бўлим ва ташкилотларнинг белгиланишини ҳамда мулк, молиявий ва меҳнат муносабатлари белгиланган тартибда ҳал этилишини;
тез тиббий ёрдам хизмати бўйича аҳолига қулай ва сифатли хизмат кўрсатилиши бораида чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлигининг тез тиббий ёрдам бўйича **электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини** Тошкент шаҳри тажрибаси асосида республиканинг бошқа ҳудудларида **2023 йил 1 сентябрга қадар**

тўлиқ жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, **2022 йил 1 декабрга қадар** Андижон, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари, **2023 йил 1 сентябрга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари туман (шаҳар)ларидаги диспетчерлик хизматлари тугатилиб, **Тошкент шаҳри тажрибаси** асосида Марказнинг ҳудудий филиалларида ягона **“Call-марказ”лар фаолияти** йўлга қўйилсин.

Белгилансинки, тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий этиш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Қуйидагилар:
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари — “Call-марказ”ларни ташкил этиш, жиҳозлаш ва уларнинг инфратузилмасини яратиш (электр, сув, юқори тезликдаги Интернет, телефон, рация алоқаси ва бошқалар) ҳамда атрофни ободонлаштиришга;

соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев — “Call-марказ”ларни жиҳозлаш талабларини белгилаш, уларнинг хизмат кўрсатиш ҳажми ва юқори сифатини таъминлашга шахсан масъул этиб белгилансин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ “Call-марказ”ларда:
қабул-қилиш бўлимида қабул қилувчи ходимлар билан бирга шифокор ходимлардан иборат махсус тиббий маслаҳат хизмати фаолияти ташкил этилади;
раҳбар лавозимларида ИТ-парклардаги иқтидорли ёшлар орасидан муносиб номзодлар тайинланади;
саралаш орқали бемор аҳоли, касаллик тури ва оғирлик даражасига қараб қабул қилувчига тегишли тиббий бригадаларни йўналтириш тизими жорий этилади;
тез тиббий ёрдамнинг туман (шаҳар) ёки ҳудуд чегарасидан қатъи назар, беморгача масофанинг яқинлигига қараб тиббий бригадани йўналтириш йўлга қўйилади.

10. Ишчи гуруҳ (О.Фазилкаримов) жойларда тез ва шошилинч тиббий ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи **чора-тадбирлар дастури** амалга оширилишини таъминласин:

а) Марказ ва унинг ҳудудий филиалларини 4-иловага мувофиқ **жойлаштириш**, уларни **замонавий бино ва иншоотлар билан таъминлаш**;

б) Марказнинг ҳудудий филиаллари ва “Call-марказ”ларни **жиҳозлаш, инфратузилмасини яратиш** (сув, электр, алоқа, Интернет, локал тармоқ ва бошқалар);

в) тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини ҳамда автотранспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш ва бошқа материаллар, дори воситалари, сарфлаш материаллари ва тиббий жиҳозлар **таъминотини ҳудудий филиалларга ўтказиш**;

г) марказий туман (шаҳар) шифохоналари қабулхоналарини шошилинч хизмат кўрсатишга ва юқори технологик тиббий жиҳозларни ўрнатишга мослаштириш;

д) тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларига **радиоалоқа воситалари ва GPS-трекерлар** ўрнатиш;

е) тез тиббий ёрдам бригадаларини **планшетлар** билан таъминлаш;

ж) Марказнинг ҳудудий филиалларида **электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимини** Тошкент шаҳри тажрибаси асосида жорий этиш;

з) тез тиббий ёрдам автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, уларни қўлғи-мойлаш материаллари билан таъминлашни **аутсорсингга ўтказиш** ҳамда электрон тизим орқали назорат қилишни ташкиллаштириш.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқои Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2022 йил 1 декабрга қадар** ҳамда **2023 йил 1 сентябрга қадар** мутасадди раҳбарлар ҳисоботини эшитиш тавсия этилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-машулот маркази **Республика тез тиббий ёрдам маркази**

ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мактаби (кейинги ўринларда — Мактаб) этиб қайта ташкил этилсин ва Марказ тасарруфига ўтказилсин.

Белгилансинки, Мактаб тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Кадастр агентлиги (Ф.Пулатов) билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** 10 мингга кўчага ном бериш ишларини якунласин.

13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) тез тиббий ёрдам хизматини ташкил этиш ва рақамлаштириш учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **камида 85 миллиард** сўм миқдордаги маблағларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасига йўналтирсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жаҳон банки шошилинч хизматларни ривожлантириш лойиҳаси доирасида **5 миллион АҚШ доллари** миқдордаги маблағларни тез ва шошилинч тиббий ёрдамни рақамлаштириш тадбирларига йўналтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг эскирган ва фойдаланилмаётган автотранспорт воситаларини қиммодди савдоларида сотишдан тушган маблағлар тез тиббий ёрдам хизмати автопаркин янгилаш мақсадлари учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси ҳисобрақамига йўналтирилсин.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлигига тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув ҳамда ягона кўнгирокларни қабул қилиш тизимларини республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этиш учун Тошкент шаҳрида мазкур тизимларни жорий қилишга жалб қилинган тизим интегратори

билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат берилсин. Бунда, кўрсатилган хизмат тарифлари Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) **2022 йил якунига қадар** мавжуд ўринлар ва штат бирикларни доирасида:

марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимидаги ўринлари педиатрия, терапия ва хирургия бўлимлари тарихига ўтказилиб, беморларни касаллиқнинг оғирлик даражаси бўйича саралайдиган (триаж) туну кун ишлайдиган **шошилинч қабул бўлимларини**;

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг ҳудудий филиаллари ҳамда барча туманларо қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касаллиқлари марказларида **шошилинч қабул бўлимларини**;

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 1-сон, Яшнобод туманидаги 4-сон, Юнусобод туманидаги 7-сон шаҳар клиник шифохоналари ҳамда Учтепа туманидаги Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси тарихида алоҳида юридик макомга эга бўлмаган **туманларо қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касаллиқлари марказларини** ташкил этсин.

18. Марказ ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, уларнинг ҳудудий филиаллари ҳамда туманларо қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касаллиқлари марказларида давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий хизмат турларидан ташқари хизматларни пуллик асосда ташкил этишга рухсат берилсин.

19. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.Вафоев), Молия вазирлиги

(Т.Ишметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) янги ташкил этилаётган туманларо қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касаллиқлари марказларини жиҳозлаш учун Жаҳон банкининг “Ўзбекистонда COVID-19 коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича шошилинч чораларни кўриш” лойиҳаси доирасида иқтисод қилинган маблағларни йўналтирсин.

20. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев):

Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** шошилинч қабул бўлимларининг янгиланган штат нормативларини тасдиқласин;

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда 2022 йил 1 декабрга қадар марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг ўринлар фондини аҳоли сони ва касаллиқлар йўналишларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартриш киритилсин.

22. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартриш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев белгилансин.

24. Қарорнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

БУГУННИНГ ГАПИ

АҲОЛИНИНГ ШАКАРГА ЙИЛЛИК
ЭҲТИЁЖИ 650 МИНГ ТОННА

ишлаб чиқариш ҳажми эса 720 минг тонна

Бошланиши 1-бетда

— Бу бизга боғлиқ бўлмаган ҳолат, — дейди жамият бош директори Рустам Акбархўжаев. — Шакар нархи ўсишига, биринчи навбатда, мазкур маҳсулот ва унинг хомашесини Марказий Осиё минтақасига етказиб бериш бўйича транспорт ва логистика билан боғлиқ муаммолар таъсир кўрсатди. Яъни анъанавий денгиз портларининг ёпилиши ҳамда альтернатив портлар ўтказувчанлик сизимлари пастлиги товарларнинг узоқ муддат қўлиб кетиши ҳамда сақлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларни юзага келтирган. Шу боис, мамлакатимизда, хусусан, корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада камайди. Натижада бу шакар нархи кўтарилишига олиб келди. Бироқ ҳозир бу масалалар тўлиқ ечимини топган. Зарур хомашە муқобил йўллар орқали келтирилмоқда. Бугун тўла ишонч билан айта оламизки, истеъмолчиларга етарлича шакар ишлаб чиқарилаётган.

Бозор иқтисодиёти шароити, Ўзбекистоннинг минтақа ва бошқа давлатлар билан ташқи савдо борасидаги ҳамкорлиги кенгайиб, эркинлашиб бориши ҳолатида мамлакат ичидаги нархларни қўшни давлатлардагидан кескин фарқ қиларли даражада сақлаб туришнинг деярли имкони бўлмайди. Яъни дунё бозорида бирор маҳсулот нархи ошса, бизда ҳам кўтарилади, тушса, аксинча — пасаяди. Бу бугунги замонавий бозор иқтисодиётининг тартиб-қоидаси, жаҳон бозорига интеграциялашув натижаси.

Жорий йилда мамлакатимизда шакар ишлаб чиқариш ҳажми январь-май ойларида утган йилнинг шу даврига нисбатан 28 минг тонна ёки 21 фоиз кўпроқни ташкил этди (129 минг тоннадан 157 минг тоннагача ошган). Лекин таклиф ошганига қарамай (биржа орқали сотилган ҳажм 75 минг тоннадан 91 минг тоннагача қўйилган), шакар нархи, асосан, таққи омиллар таъсирида ўсиши кузатилди.

Ҳозирги пайтда аҳолининг шакарга талабини тўла қондириш мақсадида “Ангрен шакар” МЧЖда бир кеча-кундузда 1100 тонна шакар ишлаб чиқарилди. Аслида корхона йилига 300 минг тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига



эга. Корхона ортиқча қувват билан ишлаётгани боис, ҳар ойда 30 минг тоннадан ортиқ шакар ишлаб чиқарилади. Бу йилига 360 минг тонна, дегани. Яъни корхона ҳозирги кунда ўз қувватидан ҳам юқори даражада ишлаяпти. Демак, аҳолининг ортиқча хавотир олишига асос йўқ. “Ангрен шакар” корхонаси ортиқча имкониятларни ишга солган ҳолда, аҳолини узлуксиз шакар маҳсулоти билан таъминлашга ҳаракат қилаяпти. Бунинг учун омборларда хомашё ҳам, тайёр маҳсулот ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда шакар ишлаб чиқарувчи иккита йирик завод — “Хоразм шакар” ва “Ангрен шакар” масъулияти чекланган жамиятлари фаолият юридади. Ангрендаги корхона 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, бу ерда шакар таркибидagi сахарозанинг софлигига катта эътибор қаратилади. Чунки давлат стандарти талаби бўйича шакар таркибидagi сахарозанинг миқдори 99,7 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Корхона маҳсулотига эса бу миқдор 99,8 фоиздан баянд. Корхонада маҳсулот шакарқамши хомашесидан тайёрланади. Хомашё эса, асосан, Бразилиядан, шунингдек, Мексика, Аргентинадан келтириляпти.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг шакарга бир

йиллик эҳтиёжи 650 минг тоннани ташкил этади. Жорий йилга ишлаб чиқариш ҳажми эса 720 минг тонна ёки ўтган йилдагига нисбатан 22 фоиз кўпроқни ташкил этади. Бундан кўринадики, аҳоли эҳтиёжидан ортиқча маҳсулот етказиб берилади. Яъни аҳолининг шакарга талабини узлуксиз қондириш учун имконият етарли даражада.

Яна бир эътиборли молик жиҳат. Сўнги кунлардаги биржа савдоларида шакар нархи пасаймоқда. Хусусан, 10-15 июнь кунлари ўтказилган савдоларда шакарнинг барча категорияси бўйича шакланган ўртанча кунлик нарх маҳсулотнинг бир тоннаси учун 14 миллион 554,5 минг сўмдан 10 миллион 631,1 минг сўмгача ёки 27 фоиз тушган. Шакар баҳоси биржада пастламоқда, лекин бозордаги ҳолат ҳамон ўша-ўша: қиммат ва навбат. Бунинг сабабини мутахассислар шакарнинг олдинги, қиммат нархда олинганли билан изохлади. Биржада нарх тушуяптими, бозорда ҳам, албатта, арзонлайди. Чунки бозорда таклиф қўйилган сари рақобат кучаяди ва бу, ўз навбатида, нарх пасайишига олиб келади. Фақат озгина вақт керак, холос.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ИНВЕСТИЦИЯ



БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ
ШАРОИТ

Аврангзёб РУСТАМОВ,
журналист

Бошланиши 1-бетда

150 миллион АҚШ доллари қийматидаги, 270 МВт. қувватга эга мазкур электр станциясининг биринчи энергия блоки фойдаланишга топширилиши натижасида вилоятнинг 80 фоиз истеъмоли қопланади. Юқори инновацион технологиялар 260 миллион куб метр табиий газни тежаш имконини беради. Бу ҳажмдаги газ билан қўшимча 900 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш ёки 450 минг хонадонни электр билан таъминлаш мумкин. Яна бир эътиборли жиҳати, янги корхонада 150 нафар фуқаро иш бошлади.

— Шу йўналишда жаҳондаги энг етакчи компаниялардан биримиз, — дейди “Акса Enerji Bukhara” хорижий корхонаси раҳбари Алган Сарачоғлу. — Айни пайтда Бухородаги лойиҳадан ташқари Тошкент вилоятида ҳам иккита электр станциясини ишга туширдик.

МАРРАНИ БАЛАНД ОЛГАН КОРХОНА

Жозибадор эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиши тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қўлами орттишга муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан бир неча йиллар аввал Гиждувон эркин иқтисодий зонасида фаолиятини бошлаган “Парвоз ҳумо равнақ транс” МЧЖ бугун маррани баланд олган корхоналар сирасига кирди.

Утган давр мобайнида мазкур тадбиркорлик тузилмаси томонидан умумий қиймати 47 миллион АҚШ долларига тенг тўқимачилик лойиҳалари амалга оширилди. Натижада 1300 та янги иш ўрни яратилди. Германия, Туркия, Швейцария, Япония ва Ҳиндистондан келтирилган замонавий ускуналарда тайёрланаётган матолар нафақат ички бозор, балки хорижда ҳам харидоригр бўлмоқда.

— Бозорда ўз ўрнини топишни истagan тадбиркор хомашёдан кўра, тайёр маҳсулотни таклиф этишни маъқул қўради, — дейди МЧЖ таъсисчиси Шермуҳаммад Очилов. — Шу боис, тайёр қийим-кечак ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Биз тайёрлаётган бежирим либослар ва спорт кийимлари машҳур брендларникидан қолишмайди.

Энди корхона 7915 гектар ерда кластер усулида пахта етиштиришни ҳам йўлга қўйди. Пировадиди, хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча жараёнини узида қамраб олган қийимчи 11,118 миллион евролик янги лойиҳа устида ишланмоқда. Қўшимча қувватлар фойдаланишга топширилиши билан яна 1200 та иш ўрни яратилади.

— Жорий йил якунига қадар умумий қиймати 66,18 миллион долларлик 10 та лойиҳа ишга туширилиши кутилмоқда, — дейди Гиждувон эркин иқтисодий зонаси дирекцияси директори Отабек Қозоков. — Бундан ташқари, умумий қиймати 205,1 миллион долларлик 30 та лойиҳа устида иш олиб борилиб, инвесторлар томонидан бизнес режалар тайёрланмоқда.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК МЕЗОНИ

Сўнги йилларда юртимизда қурилиш салмоғи кескин ортмоқда. Албатта, талаб юқори бўлган соҳада хомашёни мунтазам етказиб беришнинг ўзи бўлмайди. Бундай вазиятда анъанавий хомашё турлари билан бирга бозорга янги муқобил маҳсулотлар ҳам таклиф этилаверади.

Жумладан, бундан 15-20 йилларча аввал гилсдан фақат ганч ва безакда фойдаланиларди, холос. Бугун эса ундан гилскартон ва гилсли гишт каби деворбоп маҳсулотлар, гипс шувок, елим ва бошқа товарлар ишлаб чиқарилмоқда.

Лойиҳа қиймати 15,7 миллион долларлик “Вухого Gypsum” МЧЖда гилскартон ва қуруқ аралашмалар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу тадбиркорлик тузилмаси томонидан 28,7 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 500 минг АҚШ долларилик экспорт амалга оширилди.

БИЛДИРИЛГАН ТАКЛИФ
БИЗ УЧУН АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ

Эркин иқтисодий зоналарда ўз лойиҳаларини жойлаштириш истагини билдирган тадбиркорлар сони ортиб бормоқда. Хитойнинг “China xiangyang group” масъулияти чекланган жамияти ана шулардан бири. Хорижлик инвесторлар 15 миллион доллар маблағ эвазига гофра қоғоз тайёрлашни йўлга қўймоқчи.

— Ўзбекистонлик ҳамкорлар томонидан билдирилган таклиф биз учун айна муддао бўлди, — дейди мазкур жамият раҳбари Ҳе Вей. — Одатда, биз каби тадбиркорларга янги қуриладиган корхона учун бозор ва ишчи кучи мавжудлиги қифоя. Аммо корхонамиз жойлашадиган майдонларни келиб кўрганнимизда, бу жой нафақат юқоридagi омиллар, балки энергия таъминоти ва логистика жиҳатидан ҳам анчайин қулай эканига гувоҳ бўлдик. Шу боис, тезда завод қурилишига киришиб, ускуналар олиб келишни бошладик.

Яқин йилларгача бой ер ости қазилмалари бўлишига қарамай, Бухорода саноатлашув ниҳоятда суст эди. Аммо сўнги йилларда ҳудудда инвесторлар учун жозибали муҳит яратилиши қатор хорижий тадбиркорларни қадим ва ҳамиша навқирон Бухорога сармоя киритишга ундамоқда. Чунончи, биргина жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида вилоятда 127,1 миллион долларлик инвестиция киритилгани ҳам бунинг ёрқин исботи.

Энди Бухоро нафақат сайёхлар, балки хорижлик инвесторлар учун ҳам жозибадор ҳудудга айланиб бормоқда. Буни янгидан-янги қад рoслаётган йирик саноат корхоналари мисолида ҳам кўриш мумкин.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ

ФЕНОМЕН ҲОДИСАЛАР



Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Масаланинг яна бир томонига эътибор берайлик: биз бугун фуқаролик, ҳуқуқий давлат барпо этишни ният қилганимиз. Барча ҳаракатларимиз замирида ҳам қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда унга қатъий амал қилиш турибди. Бошқача айтганда, ҳозирги замон талқинидаги фуқаролик жамиятини фуқаронинг ўзини жамият индивидуал аъзоси сифатида тан олишидан, унинг қонун ҳолида, жамият олдидида маънавий жиҳатдан ҳамда ўз таълиқ-ҳаракатлари учун масъул эканини қай даражада англаганидан билиш мумкин.

Яна шу нарсага эътибор бериш муҳими, шарқ халқларида шахс маънавияти ва ахлоқи ижтимоий тараққиётнинг асоси сифатида қаралса-да, бу қонунларга, умумэтироф этилган меъёрий қоидаларга бўйсунгани асло инкор этмайди. Қолаверса, қонун устуворлигини таъминлаш, кишида қонунга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш чексиз давом этадиган жараён эканини ҳам ёдда сақлаш лозим.

Гарбда кўпинча қонунлар тарихий-маданий, ижтимоий-ахлоқий, маънавий-маърифий меъёrlардан ажратиб қўйилган. Улар гоҳо аъъаналарни очикдан-очик рад этади, одамларни ноъъанавий меъёrlарга бўйсунтишга ундайди. “Замонавий демократия, — деб ёзади Ф.Хайек, — кўпинча қонунга ҳурмат қўрсатмайди”. Аммо бу гарб кишилари қонунларнинг зарурлигини рад этади, дегани эмас. Аслида қонун севиб ўқиладиган ишқий роман эмас, у ўзига ҳаммани баб-баробар ром этишни талаб қилади. Сиз қонун борлигини унуттиришга мумкин, аммо қонун сизнинг борлигингизни унутмайди. Қонун ўзининг борлигини унутганларни сўзсиз жазолайди. (Ф.Мусаев Демократик давлат қурилишига фалсафий-ҳуқуқий асослари).

Демак, фаол фуқаро, энг аввало, қонунга, жамият томонидан қабул қилинган барча ҳуқуқий ҳужжатлар, умумэтироф этилган маънавий-маърифий, ахлоқий меъёrlарга сўзсиз итоат этувчи, уларни ҳурмат қилувчи шахсдир. Бугун мамлакат раҳбари томонидан олдимизга қўйилган энг катта вазифа эса, барпо этилаётган ҳуқуқий, фуқаролик жамиятининг маърифатли давлатни қуриш назарияси ва амалиёти билан узвий боғлиқлигини таъминлашдан иборатдир.

Фаол фуқаролик позициясига эга шахснинг муҳим кўринишларидан яна бири, бу — бугун мамлакатимиз ва жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳолис жавоб бериб, уларга муносабат билдира олиш кўникмаси шаклланганлиги масаласидир. Ижтимоий тармоқлар, Интернет тизими бугун барчани ўз домига тортиб, ҳоҳлаган материал, ахборот билан барчани “мас” қилмоқда. “Фейк”, яъни ёлгон ахборот тарқатиш, унинг натижасида одамларни турли ҳалъий ўйларга кириб кетишига эришиш, виртуал дунёнинг чексиз сарҳадларида кишиларнинг ўзини ўзи идора эта олмаслигини таъминлаш орқали турли сиёсий, мафкуравий, ғоявий мақсадларга эришишга бўлган бугунги ҳаракат соғлом жамоатчиликни чуқур ташвишга солмоқда.

Ана шундай шароитда ҳар биримизнинг фаол фуқаролик позициямиз жуда зарур. Бундай позиция бизни бугунги ахборот маконидаги маънавий, ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилишининг муҳим воситаси ҳисобланади. Инсондаги фаол фуқаролик позицияси шахсдан қатъиятлилики талаб қилади. **Қатъиятлилиқ — шахснинг жамиятда юз**

“Жамиятда ижтимоий сафарбарликни таъминлаш учун эса аҳолининг барча қатлами сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш талаб этилади. Биз бугун инсон ҳар томонлама эркин ва фаровон яшайдиган янги давлатни барпо этишдек буюк халқ ҳаракатига асос солмоқчи бўлсак, шубҳасиз, жамият барча аъзоларининг ижтимоий фаоллигини таъминлашимиз керак. Шу маънода, фикримизча, барча таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” ўқув фанини жорий этишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Жойларда ташкил этилаётган кўплаб илмий анжуманлар, зиялилар ўртасидаги турли ижодий-маърифий тадбирларда мазкур масала муҳим аҳамиятга эга ҳаракат сифатида эътироф этилмоқда.

бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳолис баҳо бериш кўникмаси, бўлар-бўлмас, илмий жиҳатдан асосланмаган, ҳаёт тажрибасида синовдан ўтмаган хулосаларга суюнамаслик, ўз фикрини ҳар қандай шароитда ҳимоя қила олишдан иборат маслак.

Қатъиятли инсон — ишончли инсон. Уни мустаҳкам ирода ва кучли эътиқод бошқаради. Бундай шахслар кўнгил, ҳиссиётга қараганда кўпроқ илм ва ақлга қулоқ солади. Ягона тўғри йўлни танлашга йўналтира оладиган омил бу — илм ва ақл. Мутафаккирларимиз илм олишни Аллоҳ йўлида жиҳод қилишдан афзал билган. Муқаддас “Танбеҳул ғофилин” китобида шундай ёзилади: **илмни ташлаб, фақат ибодатга юз тутган қавмдек бўлманглар. Уларнинг терилари баданларига ёпишиб кетса ҳам, одамларнинг олдига қиличлари билан чиқадилар. Агар улар илмни талаб қилсалар эди, илмлари қилган ишларидан тўсган бўларди. Илмсиз амал қилувчи йўлдан адашган кишига ўхшайди. У ғайратни қучайтирмайди, балки қийинчиликни зийда қилади, ислоҳидан фасоди кўп бўлади.**

Дарҳақиқат, бугунги дунё илм-фан асослари билангина ривожланиши мумкин. Бекорга мамлакат раҳбари бот-бот ҳар бир соҳанинг ривожини унинг илм-фан соҳаси билан қанчалар даражада асос қўйиши лозим.



ланганлигига боғлиқ, деб таъкидлаётгани йўқ. Шу нуктаи назардан, давлатимиз раҳбарининг Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида илм-фан ва инновациялар соҳасида етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, тўртинчи санаот инқилоби даврида халқро рақобатбардошликка эришиш, тўпланган муаммоларнинг янги ечимларини излаб топиш, шунингдек, глобаллашув туфайли юзга келаётган баҳсли масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилади, деган хулосасида катта ҳақиқат бор.

Демак, фаол фуқаролик позициясига эга шахснинг муҳим жиҳати қатъиятлилиқ экан, бу қатъиятлилиқни илм-фан омилисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Янги жамиятни барпо этишга бел боғлаган ҳар қандай инсон илм-фансиз, илмий хулосаларсиз ўзини янги марралар сари сафарбар эта олмайди. **Илмсиз киши гўёки ўрмонда адашган каби, ўз фаолиятидаги турли нохушликлар, қийинчиликлар, адашишларни “замона заили”га йўяди, “ўзбекчилик”, дея ўзларини овутиди. Фаол фуқаролик позициясига эга бўлмаган ҳар қандай шахс учун муқаддас нарсалар йўқ. Чунки ундайлар вазиятга қараб иш тутайди. Улар учун қулай пайтани пойлаш, қандай бўлмасин, қайси йўллар билан бўлмасин, ўз муаммоларини ҳал этиш энг муҳим масала ҳисобланади.**

Фаол фуқаролик позицияси ҳар биримиздан сиёсий сергакликни ҳам талаб қилади. Собىқ совет тузуми шароитида расмий ҳокимият одамларни иложи борида давлат сиёсатидан четда сақлашга ҳаракат қилди. Бунинг сабаби эса аниқ

эди: одамлар ўша тузумнинг асл моҳиятини, мустамлакачилик сиёсатининг мақсад-муддаоларини билиши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам ўша даврда одамларда сиёсий ҳаётга қизиқиш сўнди, уларда ҳафсаласизлик, ишончсизлик руҳияти кучайган эди.

Бугун эса одамларимиз мутлақо ўзгарган. Жамиятнинг ўзи юз бераётган барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларга одамларни оҳанрабодек тортмоқда. Чунки ҳар бир ўзгаришда кишилар ўзларининг тақдирини, келажагини, мақсад-муддаоларига етишнинг йўлларини кўрмоқда.

Айни пайтда, бу борада ҳали қилишимиз лозим бўлган ишларимиз ҳам талайгина. Сиёсий, ҳуқуқий саводхонлик даражамизнинг камлиги туфайли олдимиздаги баъзи муаммоларни ҳал этиш учун “таниш-билиш” қидиришимиз ёки “таъсирли” акагонлар катта-кичик раҳбарларга пора тақдим қилаётганимиз бор гап-ку. Булар тўғрисида ҳар кун ижтимоий тармоқлару расмий ахборотларда маълумотлар келмаяптими? Хўш, бундай салбий ҳолатларнинг сабаби нимада? Шубҳасиз, буларнинг сабаби битта: ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлик даражамизнинг пастлигидадир.

Қонун йўли билан, мамлакат раҳбари томонидан яратиб берилган барча

демократлаштириш йўлидаги фаолиятимизга тўлиқ маънода уйғунлашиб бўлди, шу билан барча муаммолар ҳал этилди, дегани ҳам эмас. Чунки айрим жойларда олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларимизда баъзи нуқсонлар кўзга ташланмоқда. Аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида ташкил этилаётган кўплаб тадбирларимиз, асосан, ижтимоий жиҳатдан фаол, давлат сиёсатини яхши тушунадиган фуқаролар ўртасида яъзилмоқда.

Жамиятда ижтимоий сафарбарликни таъминлаш учун эса аҳолининг барча қатлами сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш талаб этилади. Биз бугун инсон ҳар томонлама эркин ва фаровон яшайдиган янги давлатни барпо этишдек буюк халқ ҳаракатига асос солмоқчи бўлсак, шубҳасиз, жамият барча аъзоларининг ижтимоий фаоллигини таъминлашимиз керак. Шу маънода, фикримизча, барча таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” ўқув фанини жорий этишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Жойларда ташкил этилаётган кўплаб илмий анжуманлар, зиялилар ўртасидаги турли ижодий-маърифий тадбирларда мазкур масала муҳим аҳамиятга эга ҳаракат сифатида эътироф этилмоқда.

Ахир биз янги жамият барпо этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бундай жамиятнинг илмий асослари, келажақда барпо этилиши лозим бўлган давлатнинг энг муҳим, методологик кўринишларини ўрганмасдан, уларни тасаввур этмасдан туриб ўша буюк мақсадларга эришиш мумкин эмаслиги кундек аён. Бугун бизнинг тилимизга “Янги Ўзбекистон”, “Янги Ўзбекистон



тараққиёт стратегияси”, “Учинчи Ренессанс”, “Инсон — жамият — давлат”, “Инсон қадри учун”, “Янги Ўзбекистон феномени”, “Янгилаётган Ўзбекистон”, “Халқ манфаати ҳамма нарсадан устун”, “Жамиятнинг янги қиёфаси”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, “Янги демократик бошқарув тизими”, “Жамият — ислохотлар ташаббускори”, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат”, “Маърифатли

жамият”, “Янги маънавий макон”, “Янги Ўзбекистон — маърифатпарвар давлат” каби яқин-яқинда тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган, мутлақо янги тушунчалар кириб келди.

Тўғри, биз барчамиз ушбу сўзларни бугун тез-тез эшитиб тураемиз, матбуотда ўқиймиз. Аммо уларнинг аниқ мазмун-моҳиятини биламизми? Масалан, бугун маънавият жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевор, деймиз. Авваллари-чи? Яқин-яқингача ҳам маънавият феноменининг сиёсий ақидаларга боғлиқлигини ё тан олмас эдик ёки бу нарсани айтишдан ҳадиксирардик. Яна бир нарсага эътибор беришимиз лозимки, яқин тарихда ҳам маънавият ҳақида бонг уриб гапирар эдик. Бироқ унинг жамият, миллат ва давлат тақдирдаги реал ўрнини аниқ белгилай олмагандик. Шунинг учун ҳам у тўғрисидаги гаплар қуруқ шiorлар, қақирик ва даъватлардан иборат бўлиб қолаверганди.

Бугун ана шу масалаларга бизнинг муносабатимиз методологик жиҳатдан бири сифатида тан олинди. Ҳақиқатан, биз жамиятнинг маънавий қиёфасини ўрганишга ҳаракат қилдикми? Албатта, йўқ. Бугун эса ана шу маънавий қиёфани ўрганиш, ундаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш учун тўғри ташхис қўйиш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар

институтини ташкил этилди. Иккинчидан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида биринчи мартаба маънавият ва маърифат масалалари алоҳида йўналиш сифатида қабул қилинди. Айнан худди шунга ўхшаш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жаҳалларнинг барида авваллари биз ҳаттоки тасаввур ҳам қила олмайдиган янги, концептуал ўзгаришларни қўриш мумкин.

Тараққиётимиз тақдирини белгилаб берадиган ана шундай методологик янгиликларни энди биз навбатдаги шior, даъват сифатида билишимизнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун мазкур қоидалар, йўналишларни давлатимиз раҳбари тасаввур этгани каби онгу шууримизга синдириб олишимиз зарур. Бунинг учун эса, юқорида қайд этганимиздек, бутун жамият ислохотлар мазмун-моҳиятини онгли равишда англаб олиши ўта муҳим.

Шу маънода таълимнинг барча босқичлари, меҳнат жамоаларида “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” фанини жорий этиш мақсада мувофиқ, дедик. Президентимиз Шавкат Мирзиёев қаламига мансуб “Янги Ўзбекистон стратегияси” китоби ушбу фanning методологик асоси бўла олади.

Шу ўринда яна бир нарсага эътибор беришни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Бугун айрим мутахассисларда биз учун, энг аввало, яхши, ўз соҳасини мукаммал биладиган кадрлар керак, шу маънода ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш устувор масала сифатида ҳисобланмаса ҳам бўлаверади, деган хаттарли қарашлар бор. Бу, бизнинг назаримизда, мутлақо хато хулоса. Тўғри, бизга ўз соҳасини мукаммал билган, бу борада хорижий тажрибалардан бохабар, ўз ихтисослигини илмий асосга қўйган мутахассислар жуда керак.

Бироқ, шу билан бирга, биз учун ўз Ватани тарихини, аждодларимиз томонидан минг йиллар давомида яратилган бой илмий, миллий-маданий меросни ўзлаштириш олган мутахассислар ҳам зарур. **Ватанин севамасдан, юртимизда асрлар давомида шаклланган юксак цивилизациялар моҳиятини англамасдан, миллат руҳиятини ҳис этмасдан, ундан маънавий-руҳий қувват олмасдан туриб замонавий мутахассис бўлиш мумкин эмаслигини барчамиз онгли равишда англашимиз керак.**

Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор: ахир биз маърифатли жамият барпо этмоқчимиз. Маърифатли жамиятни ўз тарихи, миллий-маданий меросини чуқур ўрганган, ўз фаолиятини ўтмишда юз берган ва шаклланган ижтимоий амалиёт билан уйғунлаштириш олганлар билангина қуриш мумкин.

Ижтимоий сафарбарлик, фаол фуқаролик позицияси каби феномен ҳодисалар ўз-ўзидан шаклланмайди. Ўз Ватани, халқини севадиган, миллий меросидан руҳий қувват оладиган, ўзида тафаккур ислохотларини ўтказишга доимо эҳтиёж сезадиган одамлар билан ҳар қандай мураккаб муаммоларни ҳал этиш мумкин. Зеро, Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида шундай ёзади: **“Биз ўз олдимизга Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация орқали эриша оламиз. Бунинг учун, аввало, ислохотларнинг амалий натижадорлигини ошириш, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаол бўлишига эришмоғимиз лозим”.**

Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

БИТТА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ИККИ МАРТА
ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНМАСЛИГИ ЛОЗИМ**Абдуқамол РАҲМОНОВ,
“Адолат” СДП Сийёсий
Кенгаши раиси ўринбосари**

“Вақт шундай ҳукмрон кучки, замонни ҳам, одамни ҳам ўзгартиради”, деган ҳикмат бор. Мана, мустақилликка эришганимиздан буён 30 йилдан ортиқ вақт ўтди. Шу муддат давомида замонамизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар, ривожланишлар, юксалишлар рўй берди. Одамларнинг сийёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти, маънавияти юксалди.

Пировардида шундай тезкор тараққиётга мос равишда қонун ҳужжатлари ҳам такомиллашиб бормоқда. Қонунчилик базасидаги янгиланган ва суд-ҳуқуқ соҳасига кириб келган янги амалиёт, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг янги турларини аниқлаш усуллари мамлакатимиз ривожига монанд равишда янгиланмоқда.



Албатта, Конституцияни халқимиз кўз ўнгидан намоён бўлаётган юксалишларга мос равишда такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим шартидир. Шу ўринда биргина маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича инсон ҳуқуқларига дахлдор мисол келтирмоқчиман. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл

ҳаракати қоидалари бузилгани бўйича жарима солиш тўғрисидаги қарор маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс иштирокисиз чиқарилади ва белгиланган тартибда ҳуқуқбузарга юборилади. Электрон воситалар орқали расмийлаштириладиган бу янги амалиёт бир жиҳатдан ҳуқуқбузарлик содир этган фуқаролар учун жазони тезроқ имтиёзли бартараф этиш борасида қулайлик туғдирмоқда. Аммо бир жисмоний шахсга нисбатан битта ҳуқуқбузарлиги учун икки ва ундан ортиқ жазо чоралари қўллаш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Масалан, бир автомашина тақиқланган белги остида қолдирилди. Бунга кўрган бир ёки бир неча фуқаро суратга олиб, муайян вақтлар оралигида ички ишлар органлари махсус хизматларига юборади. Шундай ҳабарлар асосида бир ҳуқуқбузарлик учун икки ва ундан ортиқ маъмурий жазо чораси қўлланилган ҳолатлар бор. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ортиқча овозгарчилигига, ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда, ўз муаммоли вазиятларига муносиб ечим тополмай, давлат идоралари орасида сарсон бўлишига олиб келмоқда.

Жиноят кодексининг 8-моддасида одиллик принципи сифатида ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин

эмаслиги белгиланган. Аммо “Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас”лиги тўғрисидаги норманинг Бош қонунимизда бўлмаслиги қонунчилигимиздаги бўшлиқ ҳисобланади. Конституциявий бўшлиқ бошқа қонун ҳужжатларига кескин таъсир этади. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда айнан бундай аниқ нормалар мавжуд эмас. Агар бу норма Конституцияда бўлганида эди, жазо тайинлашда унга таяниш мумкин бўларди. Ваҳоланки, аслида бу норма принципиал норма сифатида Конституцияда ўз аксини топиши лозим эди.

Конституциявий комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида йиғма ахборот-таҳлил гуруҳи томонидан тавсия этилган ушбу таклифнинг комиссия аъзолари томонидан маъқулланишини жамиятда Конституция ва қонунлар устуворлиги тарафдори сифатида “Адолат” социал-демократик партияси тўла қўллаб-қувватлайди.

Бундай принципиал ва халқаро умумэтироф этилган нормаларнинг Бош қонунимизда мавжуд бўлиши инсон ҳуқуқларини таъминлашда алоҳида ва қатъий аҳамият касб этади. Зеро, Конституция устуворлиги жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг мустаҳкам пойдеворидир.

“

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯНИНГ ЯҚИНДА БЎЛИБ ЎТГАН ЙИҒИЛИШИДА ЙИҒМА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ГУРУҲИ ТОМОНИДАН ТАВСИЯ ЭТИЛГАН УШБУ ТАКЛИФНИНГ КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНИШНИ ЖАМИЯТДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАР УСТУВОРЛИГИ ТАРАФДОРИ СИФАТИДА “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТЎЛА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ.

”

ЯХШИ ДАМ —
МЕҲНАТГА ҲАМДАМ**Алишер ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон ХДП
Сурхондарё вилояти кенгаши раиси**

Меҳнат қилиш инсоннинг устувор ҳуқуқларидан бири. Шунга мувофиқ, дам олиш ҳам инсон учун муҳим ҳуқуқлар сирасига киради. Нима учун? Чунки меҳнат қилиш ҳуқуқи билан дам олиш ҳуқуқи ўртасидаги чегара анча нозик. Меҳнатнинг ҳам, дам олишнинг ҳам меъёри, қонунчиликда белгиланиши зарур бўлган аниқ ўлчови бор. Уларга амал қилиниши иш берувчи ҳамда ходим учун бирдек муҳим.

Одам тинимсиз ишлай олмайди. Ҳар бир одам дам олиш ҳуқуқининг энг асосий кафолатларидан бири иш вақти муддатининг аниқ белгиланишидир. Меҳнат кодексига асосий ва қўшимча таътиллarning энг кам муддати қатъий белгилаб қўйилгани ҳодимларга таътил берилиши шарт эканини англатишдан ташқари, бундай таътиллarning муддатини иш берувчи ўз маблаг ҳисобидан узайтириш ҳуқуқига эгалигини ҳам англатади. Демак, меҳнат қонунчилигида фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи кафолатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаб, аниқ белгилаб қўйишга алоҳида эътибор қаратилган.

Лекин ҳозирги фаол ижтимоий-иқтисодий муносабатлар даврида инсон меҳнат қилишдан ташқари, ўз шахсини ривожлантириш зарурати юқори бўлган замонда яшаймиз. Шунинг учун ҳам дам

олиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатини мустаҳкамлаш масаласи кун тартибига чиқмоқда.

Халқаро ҳуқуқ меъёрларига кўра, кундалиқ узлуксиз дам олиш вақтининг аниқ муддати белгиланиши мақсадга мувофиқ. Меҳнат қонунчилигида кўра, дам олиш вақти 12 соатдан кам бўлиши мумкин эмас. Бу меъёр жуда муҳим. Чунки инсоннинг меҳнат қилишдан, даромад топишдан бошқа муҳим ҳаётий вазифалари, мажбуриятлари ҳам бор. Уларни самарали бажариши учун ҳам дам олиш ҳуқуқи кафолатланиши долзарб аҳамиятга эга.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам. Халқимизнинг бир жумлада жамланган ушбу ҳикматида жуда катта маъно бор. Яъни ҳар қандай соҳада самарадорликка эришиш учун ходимларнинг дам олиши, меҳнат қилиш ҳуқуқлари кафолатланган бўлиши зарур. Шу жиҳатдан олиб



қарасак, Конституциямизга ўзгартириш киритиш зарурати борлиги кўринади.

Масалан, 37-моддада ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир, деб ёзилган. Бу жуда умумий қоидалар бўлиб, меҳнат ҳуқуқининг ҳар бир шакли алоҳида-алоҳида ўрин олмаган.

Хусусан, амалдаги Конституцияда фақатгина умумий тушунчалар ёзилган бўлиб, ҳар бир шахс дам олиш ҳуқуқига эгалиги кўрсатилиши керак. Шу билан бирга, меҳнат шартномаси бўйича ишловчининг қонунда белгиланган иш вақти давомийлиги, дам олиш ва байрам кунлари дам олиш ҳуқуқи белгиланиши лозим. Зеро, кишилар тўлақонли дам олмаса, ишида унум бўлмайди. Иккинчидан, иш вақти ва дам олиш ҳуқуқи аниқ кўрсатилмаганда бу борадаги ҳуқуқлар мустаҳкам кафолатланмаган бўлади.

38-моддада ёлланлиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгалиги, иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Фикримча, бу меъёр фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқини тўлиқ кафолатланмайди. Шу боис, ҳақ тўланадиган ҳар йилги таътилни кафолатланишини Конституцияда аниқ қилиб ёзиб қўйиш керак.

**Қамол ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси
Марказий Кенгаши
раиси ўринбосари**

Бугун демократик кадрлар ривожланиб бораётган мамлакатимизда халқимиз Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини кафолатловчи Конституциямизга ўзгартишлар киритиш борасида ўз фикрларини эркин билдирмоқда. Олинган таклифлар босқичма-босқич Конституциявий комиссия томонидан кенг муҳокама этилган ҳолда, тегишли қонун лойиҳасига киритиш учун тақдим этилмоқда.

Комиссиянинг яқинда жонли эфирда бўлиб ўтган навбатдаги учинчи йиғилишида Конституциямизнинг 24 та моддасига 41 та ўзгартиш ва қўшимча киритиш бўйича ишлаб чиқилган таклифларни тегишли қонун лойиҳасига киритиш маъқулланди. Ўзбекистон Экологик партияси ва унинг парламентдаги фракцияси таклифларнинг муайян қисми ҳам мазкур маъқулланган таклифлар орасида экани бизни қувонтиради.

Хусусан, Конституциянинг тегишли моддасига умуммиллий бойликлар қаторига атмосфера ҳавосини ҳам киритиш таклифи илгари сурилмоқда. Ҳақиқатан, Бош қонунимизнинг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир”, деб кўрсатилган бўлиб, бунда атмосфера ҳавоси табиий ресурслар қаторига кўрсатилмаган.

Бирок Конституциямизга асосан ишлаб чиқилган “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида атмосфера ҳавоси табиий ресурсларнинг таркибий қисми экани, у умуммиллий бойлик ҳисоблангани ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, мазкур қонун талабларига асосан



ишлаб чиқилган қонуности ҳужжатларда ҳам атмосфера ҳавоси табиий ресурслар сифатида давлат ва жамоатчилик муҳофазасига олингани қайд этилган.

Албатта, ҳозирги глобаллашув ва иқлим ўзгаришлари жараёнида саноатнинг кескин тараққий этиши, атроф-муҳитга босим ортиши экологик қонунчиликни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Президентимиз Олий Мажлисга 2020 йил 24 январдаги Мурожаатномасида ҳукумат саноат ривожининг экологияга таъсири олдини олиш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш лозимлигини қайд этган эди. Кези келганда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги мурожаатларнинг аксарият қисми атмосфера ҳавосининг саноат корхоналари томонидан ифлосланиши йўналишида бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида мамлакат экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро ҳужжатларни ратификация қилмоқда, бу борада олинган мажбуриятларни изчил амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистонда 2019-2030 йилларда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш концепцияси атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда қатор вазифаларни ўз ичига олади. Аҳоли ва иқтисодиёт соҳаларининг ишончли ва арзон энергетиканинг таъминлаш, саноат корхоналари инфратузилмасини модернизация қилиш, энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланиш, энергосамарадорлигини камида 20 фоиз ошириш шулар жумласидан.

“

ЎЗБЕКИСТОНДА 2019-2030 ЙИЛЛАРДА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”ГА ЎТИШ КОНЦЕПЦИЯСИ АТМОСФЕРА ҲАВОСINI MUHOFAZA QILISHDA QATOR VAZIFALARNI ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ. АҲОЛИ ВА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ВА АРЗОН ЭНЕРГЕТАЪМИНОТГА ЎТИШINI ТАЪМИНЛАШ, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИНФРАТУЗИЛМАСINI МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ЭНЕРГИЯНИНГ МУҚОБИЛ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ, ЭНЕРГОСАМАРАДОРЛИКНИ КАМИДА 20 ФОИЗ ОШИРИШ ШУЛАР ЖУМЛАСИДАН.

Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг тегишли бандларида атроф-муҳитга таъсири хавфи юқори даражадаги объектларнинг ифлослантирувчи манбаларидан автоматик равишда намуналар олиш тизимини татбиқ этиш ва уларни таҳлил қилиш белгиланган.

Илгари сураётган таклифимизнинг қабул қилиниши натижасида ифлослантирувчи манбалар ташламалари устидан автомат назорат тизими яратилади, мониторинг амалга оширилади, уларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари қўйилади. Бу, ўз навбатида, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Албатта, экологик сиёсат қўриштида конституциявий нормаларнинг роли ва аҳамияти ута муҳимдир. Айнан Бош қонунимизда атмосфера ҳавосини табиий ресурслар қаторига киритиш ишлаб чиқилган ва чиқалаётган қонунларимизнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлигини таъминлаш имконини яратди.

“

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МЕЪЁРЛАРИГА КўРА, КУНДАЛИК УЗЛУКСИЗ ДАМ ОЛИШ ВАҚТИНИНГ АНИҚ МУДДАТИ БЕЛГИЛАНИШИ МАҚСАДГА МУВОФИҚ. МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИГА КўРА, ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ 12 СОАТДАН КАМ БўЛИШИ МУМКИН ЭМАС. БУ МЕЪЁР ЖУДА МУҲИМ. ЧУНКИ ИНСОННИНГ МЕҲНАТ ҚИЛИШДАН, ДАРОМАД ТОПИШДАН БОШҚА МУҲИМ ҲАЁТЙИ ВАЗИФАЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ҲАМ БОР. УЛАРНИ САМАРАЛИ БАЖАРИШИ УЧУН ҲАМ ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНИШИ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТГА ЭГА.



ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ



ИНВЕСТИТОРЛАР КОЛЛЕЖГА САРМОЯ КИРИТДИ

Бошланиши 1-бета

Эътиборли далил — инвестицион оқимнинг кенгайиши кўп жиҳатдан энергетика таъминоти ва профессионал кадрлар мавжудлигига ҳам боғлиқ. Шу боис, янги Ўзбекистоннинг барпо этилишида, саноатни ривожлантиришда ушбу омилларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини кескин оширишга қаратилган бунёдкорлик ишлари кўлами кенг қулоқ ёймоқда. Самарқандда яқиндагина фойдаланишга топширилган, қуввати 100 мегаватт бўлган қуёш электр станцияси фикримиз исботидир. Сирдарёнинг Ширин шаҳри эса, таъбир жоиз бўлса, юртимизнинг улкан энергетик хабиға айланиб бормоқда. Бу ердаги Сирдарё иссиқлик электр станцияси, Фарҳод ГЭСи ёнида Саудия Арабистонининг “AKWA power” компанияси томонидан барпо этилаётган қуввати 900 мегаваттлик замонавий буғ-газ қурилмаси юртимиз электр таъминотиға улкан хисса бўлиб қўшилиши кутилмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Унинг ёнгинасида Европанинг қатор инвестицион компаниялари томонидан консорциум асосида яна бир шундай электр станцияси барпо этилишига қаришилган. Табиийки, янги қурилаётган бу корхоналарни замонавий, юқори малакаға эға профессионал кадрлар билан таъминлашға ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ширин шаҳридаги энергетика коллежи нафақат вилоят, балки юртимиз миқёсида ҳам шундай кадрлар тайёрлашнинг муҳим таянч нуқтасига айланган.

Кўни кеча Президентимиз раислигида аҳолини касб-хўнарга ўқитиш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мутасаддилар зиммасига мақсуд таълим муассасаси тажрибасини оммалаштириш вазифаси юклатилди.



Хўш, бу коллеж нимаси билан намуна қилиб кўрсатилмоқда? Унинг мутахассислар етиштириб беришдаги аҳамияти қандай? Ширин энергетика коллежи биноси ўтган асрнинг саксонинчи йилларида қурилган, ўша давр стандартларига мос ўқув даргоҳи эди. Ўтган йилларда таълим даргоҳи ўз аҳамияти, кадр-қимматини йўқотди. Сабаби, энергетика бозорида унинг кадрларига эҳтиёж кескин тушиб кетди. Битирувчилар иш излаб, турли корхоналар ўртасида сарсон бўлди. Шу боис, маскандан файз учди. Лекин 2020 йилдан бошлаб вазият кескин ўзгарди. Юртимизнинг дунёға очилгани, иқтисодиётимиз либераллашгани, инвестицион жозибадорлик ошгани унинг тақдирига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Янги энергетика корхоналари барпо этила бошлагани юқори касбий таълимға эға кадрларға эҳтиёжни кескин оширди. Хусусан, Ширин шаҳрида қурилиши бошланган салкам уч миллиард долларлик иккита улкан энергетика корхонасини ана шундай кадрлар билан таъминлаш кун тартибига чиқди. Бу айни мудоао эди. Биринчи қаддамини инвесторларнинг ўзи қўйди. “AKWA power” компанияси вакиллари Ширин энергетика коллежига таширф бўйриб, келгусида янги корхонани ҳодимлар билан таъминлаш бўйича ўз шартномаларини тақлиф қилди. Уларнинг талаби катта эди. Компания корхонасида ишлайдиган ҳодимлар инглиз тилида мулоқот қила олиши, замонавий ахборот технологияларини пухта

эгаллаган, зарур касбий малакаға эға бўлиши тақозо этиларди. Учта талаб. Коллеж маъмурияти бир оз ўйлашиб қолди. Ёшларға электр энергияси ишлаб чиқариш сирларини ўргатиш бўйича зарур тажриба бор. Лекин уларға IT технологиялар ва касбий терминларни ҳам билиш даражасидаги инглиз тилини ўргатиш учун қўшимча база зарур. Шунда компания вакиллари ажойиб тақлиф билдирди. Коллеж компания хисобидан муқаммал таъмирлиб, зарур жиҳозлар, компьютерлар, мебеллар, дастгоҳлар, асбоблар билан таъминлаб бериладиган, шу мақсадда “AKWA power” томонидан 2,8 миллион доллар ажратиладиган бўлди. Айни баҳор чоғида коллеж улкан қурилиш майдонига айланди. Ташқи

ландшафтдан тортиб, барча бинолар, амалиёт устхоналари, спорт майдонлари, кутубхоналарғача таъмирлана бошланди. Қурувчилар олдиға катта вазифа қўйилганди. Таълим даргоҳи замонавий қўрилишдаги файзли даргоҳға айланиши зарур.

Шундай ҳам бўлди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, Ширин энергетика коллежи таниб бўлмас даражаға етди. Ундаги аудиториялар замонавийлик касб этди. Синфхоналарға замонавий стол-стуллар, компьютерлар ўрнатилди. Кутубхона фонди бойитилиб, шароитлар мутлақо яхшиланди.

— Олдимизға нафақат ҳудуддаги, балки республиканинг барча энергетика корхоналари учун кадрлар етказиб бериш вазифаси ҳам қўйилди, — дейди коллеж директори Алфаробий Хусанов. — Шу боис, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ўқувчилар қабул қилишни бошладик. Ҳозирги пайтда коллежда таҳсил олаётган 140 нафар талабанинг ярами бошқа вилоятлардан.

Коллеждаги ҳар бир ўқувчи замонавий планшетлар билан таъминланди. Бу эса таълим жараёнида электрон манбалардан, интернет ресурслардан фойдаланиш имконини яратди. Бундан ташқари, коллеждаги компьютер жиҳозлари янгилангани, интернет тезлиги оширилгани айни мудоао бўлди. Электрон доскалар, проекторлар ҳам бу борадаги қулайлиқни оширди.

Коллежға ҳам 9-синф ўқувчилари, ҳам 11-синф ўқувчилари қабул қилинган. Уларнинг ёшларига мос икки ва бир йиллик ўқув дастурлари қўлланилмоқда. Педагоглар ва ишлаб чиқариш усталари томонидан ҳар бир талабаға қизиқишиға ҳамда билим даражасига қараб индивидуал ёндашишға ҳаракат қилинади. Ёнидаги Сирдарё иссиқлик электр станциясидаги амалиётларда эса уларнинг малакаси оширилади.

Бу ерда инглиз тилини ўрганишнинг Оксфорд дастури қўлланила бошланди. Бир оз мураккаб, лекин юқори самарадор ушбу дастурни қўллаш бўйича зарур электрон адабиётлар, электрон тестлар, қўлланмалар келтирилди.

Техник жиҳатдан эскирган лаборатория жиҳозлари янгиларига алмаштирилди. Замонавий буғ-газ қурилмаларининг ишлаш принципи асосланган кўргазмалар қурилган олиб келинди. Электр энергияси олиш, узатиш, фойдаланишға бўлган жараёни қамраб оладиган замонавий лаборатория жиҳозлари ўрнатилди. Бу жиҳозлар ўқувчининг электр нима деган оддий саволидан, уни саноат кўламида олиш учун зарур жараёнларни тушунишида тугиладиган барча саволларига жавоб бера олади. Шу мақсадда коллежда кичик электростанция модели яратилди. Унда сувни бугға айлантириш, трубина, ротор, ишқаланиш эффекти, магнит майдони каби тушунчаларни етказиш имкони яратилди. Электр энергиясини узатиш, подстанциялар, станцияни авариялардан сақлаш каби масалалар ҳам қамраб олинди.

Коллежни замонавий кадрлар билан таъминлашға катта аҳамият берилди. Республика миқёсида замонавий кадрларга танлов эълон қилинди. Натияжада электр энергияси ишлаб чиқариш соҳасидаги педагог кадрлар, замонавий IT-чилар орасидан энг кучлилари саралаб олинди. Айни пайтда коллежда Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилоятларидан келган замонавий кадрлар фаолият кўрсатмоқда. Шу кунларда коллежни замон талабига мос дастлабки мутахассислар битиради. Уларни юртимизнинг турли ҳудудларидаги электр энергетика корхоналари қабул қилиши кутилмоқда.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ, журналист

ЭЪТИБОР

Раҳбар ХОЛИҚОВА, Тошкент давлат техника университети профессори, тарих фанлари доктори



Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини кўтариш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан. Шу боис, бу борадаги ишларнинг амалий исботи сифатида сўнгги йилларда нозик жинс вакилларининг жамият ҳаётидаги ўрнини оширишға қаратилган қатор фармон ва қарорлар, жумладан, Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлашнинг 2022-2026 йилларға мўлжалланган дастури қабул қилинди.

БИЛИМЛИ ОНА ЖАМИЯТНИ МАЪРИФАТЛИ ҚИЛАДИ

Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний “Қизлар билим олишға ҳаммадан кўпроқ интилиши лозим. Зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодини тарбиялайдилар”, деб бежиз айтмаган. Учтинчи Ренессансга эришиш йўлида хотин-қизларни янада билимли, маърифатли қилиш энг асосий вазифалардан бирidir. Маърифатли аёл жамиятнинг тараққиёт йўлини белгилаб беради. Чунки айнан у болаларни тарбиялайди ва онги, дунёқараш, билим даражасини шакллантиради. Қиз бола олий маълумотли бўлса, юксак билим ва салоҳият эғасига айланса, буни келгусида фарзандларига ҳам сингдиради. Ҳар томонлама баркамол авлодини воғға етказиш масаласига масъулият билан ёндашади. Чунки аёлға табиатан авлодлар занжирини давом эттириш ва миллатнинг қадрини кўтаридиган фарзандларни тарбиялашдек улғў вазифа юкланган.

Аёл кишининг илм билан шуғулланиши, зиёли бўлиши унинг оиласи, фарзандларини маданиятли бўлишиға замин яратади. Шу боис, давлатимиз айнаан аёл-қизларнинг билимли бўлишиға катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, 2021 йилда эҳтиёжманд оилаларға мансуб 2 мингдан зиёд қиз олийгоҳларға давлат гранти асосида қабул қилинди, яна шунча талаба қизларнинг контракт пули тўлаб берилди.

Аёллар таълимиға алоҳида эътибор берилаётгани туфайли ўтган йили олий ўқув юртиларига қабул қилинган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Бундан олти йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар қиз таҳсил олган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 400 минг нафарға етди ёки улushi 2016 йилдаги 38 фоиздан айни пайтға келиб қарийб 50 фоизға етди.

Президентимизнинг шу йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашға доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида юртимизда таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш ҳар унда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш, соҳа ҳодимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида жуда муҳим янги ташаббус ва ғоялар илгари сурилган.

Ўтган даврларға назар ташлар эканмиз, мамлакатимиз илм-фани, маърифат ва маънавияти ривожига улкан ҳисса қўшган олимларнинг ўрни ҳам бекиёс эканини таъкидлаш ўринлидир. Зотан, жамиятимизда хотин-қизларнинг илм-фан сирларини пухта эгаллаш, ўз қобилияти ва имкониятини жамият тараққиёти учун йўналтириши янги Ўзбекистон келажиги

йўлида ижтимоий фаоллик гаровидир.

Мақсуд фармонға биноан, давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари докторантурасига хотин-қизлар учун ҳар йили қамиди 300 та мақсадли квота ажратиш топшириғи белгиланди.

Янги Ўзбекистонда илм-фан билан шуғулланаётган олимларимиз бундай жамиятда фаол бўлар экан, илм-фан ривожига ҳисса қўшибгина қолмай, ундаги янгиликлар билан танилиши, ўзидаги иқтидор ва илмдаги ютуқларини мамлакатимиз ҳамда хорижда намён этиш имконига эға бўлади.

Заҳматкаш олимларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатини муносиб рағбатлантириш, улар учун ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиш мақсадида Олима аёллар жамиятига ҳар йили 50 миллиард сўм ажратилади.

Замонавий касб-хўналарни эгаллаш, ўқимишли, жамиятда ўз ўрниға эға бўлиш шу тариқа умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарилаётгани аёлларнинг бахтидир. Чунки ҳамма мамлакатда ҳам бундай махсус имкониятлар яратилмаётганини қўриб, билиб турибмиз. Шундай экан, шўқрона туйғуси билан яшаш ва қизларимизни ўқитишни кун тартибидида биринчи масала сифатида белгиласак, юртимиз ривожига ҳисса қўшган бўламиз.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАКТАБЛАРИ

фаолиятини ривожлантиришнинг янги босқичи

Севара МАХМУДОВА, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика “Баркамол авлод” болалар мактаби директори



Ёш авлод — биз олдимизға мақсад қилган янги давр ва янги Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси, келажакимиз ва истиқболимиз пойдеворидир. Шу боис, бугун мамлакатимизда ёшлар салоҳиятини ошириш, таълим-тарбияси учун муносиб шарт-шароит яратиш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Шу йил 25 май куни Президентимиз ҳузурида мактаб таълимидаги ислохотларнинг бориши муҳокама қилинган йиғилишда мактабдан ташқари таълим, хусусан, “Баркамол авлод” болалар мактабларини ривожлантиришға ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, соҳа ҳодимлари олдиға юртимизда мавжуд 217 та “Баркамол авлод” болалар мактаби фаолияти ва инфратузилмасини яхшилаш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш ҳамда уларда STEAM йўналишлари бўйича тўғарақлар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Шу ўринда Президентимизнинг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолиятини янги босқичға кўтариш, самарадорлигини ошириш, улар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида қатор тизимли вазифалар белгилаб берилди.

Ўтган йили 13 апрель куни давлатимиз раҳбари бошчилигида ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида қўйилган вазифалар ижроси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолиятиға яна бир бор эътибор қаратилгани айни мудоао бўлди.

Бугун “Баркамол авлод” болалар мактабларидида 9 мингдан ортиқ тўғараққа 260 мингдан зиёд ўқувчи жалб қилинган. Мадааният ва санъат, техника, конструкторлик ва моделлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт, ҳунармандлик ва қўл меҳнати, туризм ва экология, олий таълим муассасалари ва мактабға тайёрлов, хорижий тиллар йўналишларида 65 номдаги тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда.

Республика “Баркамол авлод” болалар мактаби 2022–2026 йилларда тизимдаги мактабларини ривожлантиришға доир бир қатор мақсад ва вазифаларни белгилаб олди. Жумладан, мактабдан ташқари таълим сифатини ошириш мақсадида тўғарақ ўқув дастури ва қўлланмалари янада такомиллаштирилиди, чоп этиш ишлари кенг йўлга қўйилди, улардан машғулотларда самарали фойдаланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

“Баркамол авлод” болалар мактабларида STEAM таълим дастури бўйича ташкил этилган тўғарақлар учун ўқув лабораториялари босқичма-босқич ишлайди. Тўғарақлар DigitalArt дастури бўйича фаолият юрятади.

Олдимизда турган асосий вазифалардан бири — кадрлар салоҳиятини ошириш. Бу борада олий таълим муассасалари талабаларининг педагогик амалиётини “Баркамол авлод” болалар мактабларида ташкил этиш, битирувчи талабаларни тўғарақ раҳбари лавозимига жалб этиш чора-тадбирлари қўриляпти. Шунингдек, ҳодимларнинг тажриба алмашуви амалиёти жорий этилади. Ҳудудларда халқаро тажрибаға эға мутахассислар иштирокида ўқувлар ташкил қилинади.

Ҳозир айни таътил пайти. Табиийки, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича зиммасидидаги масъулият янада ошган палла. Шу боис, беш муҳим ташаббус доирасида ўғил-қизларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологияларига қизиқишини, ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида турли фестивал ва танловлар ташкил этилади.

Ёзги таътил ўқувчилар қамровини ошириш учун ҳам катта аҳамиятға эға. Бунинг учун тўғарақ фаолиятиға оид видеороликлар тайёрланиб, ҳудудлар бўйлаб кенг тарқатилади. Ўқувчиларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилади. “Баркамол авлод” болалар мактабларида ота-оналар ва ўқувчиларнинг қизиқиши ўрганилади, ўзини ўзи қўлайдиган янги турдаги тўғарақлар очилади.

Ўқувчилар ўртасида сайёҳликни ривожлантириш мақсадида “Сайёҳлик базалари”га амалий-услубий ёрдам кўрсатиш ва ўқув саҳатларини ташкил этиш, маршрутларини ҳудудлар кесимида тасдиқлаш йўлга қўйилди. Ички туризмни ривожлантириш учун туристик автобуслар харид қилиш, уларни туризм ва сайёҳлик ривожланган ҳудудларни инобатта олган ҳолда босқичма-босқич етказиш ҳам галдаги вазифаларимиз сирасига қилинди.

Бугунги бозор иқтисодиёти тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, бюджетдан ташқари маблағ топиш ҳам асосий вазифаларимиздан. Айни шу мақсадда ҳўжалик ҳисобида фаолият юритадиган тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйиш, жойлардаги марказий бозорлар ҳудудига “Баркамол авлод” болалар мактаблари тўғарақ аъзолари тайёрлаган ижодий махсусотлар савдосини ташкил этиш, дўконлар ажратиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, бўш турган бино ва майдонларни халтовдан ўтказиш, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мақсадли лойиҳаларни амалға ошириш чоралари белгиланган.

Ёшларни халқимизға ёт, зарарли таъсирлардан ҳимоялаш, миллат ва давлат тараққиётиға хизмат қилишға қодир бўлган ўғил-қизларни тарбиялаш ҳар бир ота-она, хонадон ва маҳалла зиммасидидаги масъулият. “Баркамол авлод” болалар мактаблари бу йўлда ўзини қўмакчи деб билиди. Зеро, қаратилмаётган эътибор, яратилмаётган шароит янги Ўзбекистоннинг баркамол фарзандлари учун янги имкониятлар эшигини очади.



УСМОН НОСИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИ

ЖАСУР ФАРЗАНДЛАРНИ МАҒРУР ОНАЛАР дунёга келтиради

**Зулфия МҲМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ходими, шоира**

Ипак келин

Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носирнинг онаси Холамбиби асли наманганлик бўлиб, Адҳам Охунд ва Салима отининг фарзанди эди. У Қўқон шахрига Масоидқойнинг ўғли Носир ҳожига узатилган. Қайнонаси Нодирабону уни эъзозлаб, “ипак келиним” деб атар эди. Холамбиби бу хонадонда худди фариштадек учиб юрарди. Товуши ҳеч қачон баланд чиммаган, ҳеч қимга жажл қилмаган.

Майин овозда сўзлаб, оҳиста қаддам ташлар, юрганда елкаси узра



2022 йил 10 февраль куни Президентимизнинг “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, Усмон Носир ҳаёти ва фаолиятини, хусусан, унинг қатагон даврида кечган йилларини ўрганиш, ҳозирга қадар номаълум бўлиб келаятган қўлзма асарларининг тақдири ҳақида маълумотлар тўплаш мақсадида ишчи гуруҳ тузилиб, унинг Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, шунингдек, Россиядаги тегишли архив материаллари билан танишиш учун шароит яратилади.

қирқ ўрим соч майин тебранар эди. Холамбиби илми аёл бўлган. Кўшини аёллар гуруннга чиқса, ўзбек халқ дostonларидан парчалар айтиб, уларни лол қолдирарди.

Эрта тонгда ҳовлию гулзорни ёғ тушса ялағудек қилиб тозаллаган, қозон-ўчоғи эса ҳеч қачон қурум кўрмаган. Сахарда райхонга сув қуйиб, қўларига тебратиб чиқарди. Бирпасда ҳовлини райхон ҳиди тутиб, шамол йўналишида ифорлар қўшинларниқига ҳам ўтарди.

Холамбиби қайнонаси Нодирабонунинг кўнглига йўл топиб, худди қизидек меҳр кўрган билан эъзозга лойиқ эди. У ёлган қат-қат патирлар дастурхонга чирой бериб, пиширган таомлари оғизда эрирди.

1912 йилнинг 13 ноябрида Холамбиби Адҳам Охунд қизи ўғил фарзанд кўради. Унинг исмини Усмонхон атаб, қўлогига азон айтишди. Усмонхондан сўнг Аллоҳ уни Равзaxon, Роҳатхон, Инобатхон исмли қизлар билан сийлади.

Холамбибида гўдак болаларни парваришлаш ва тарбиялашда катта тажриба бор эди. Қўқондалигида жондек уяин овсини Турдихон вафот этади. Унинг ортида тўрт норасида гўдак — Набижон, Алижон, Ғанижон ва тўрт ойлик Васижон қолди.

Турдихон Холамбиби учун энг яқин сирдош, дарддош ва суҳбатдош эди. Уларни кўрган одам опа-сингил деб ўйларди. Қайнотаси Масоидқойнинг йигирма беш хонали катта ҳовлисиди улар деярли ҳар кун меҳмон кутардилар. Уларнинг эшигиди ҳеч қачон хизматкор бўлмаган.

Бу хонадонга келганларни келинлар “атойи Худо”, деб меҳмон қилганлар. Келинлар кун давомида қўмолидек меҳнат қилиб, оқшомлари дostonлар ўқиб, чеварлик билан машғул бўлар эди. Овсини Турдихон тўртинчи боласига оғироқ эканини биринчи бўлиб сезган Холамбиби уни дарҳол авайлашга ўтди.

Овсининг ранги доқадек оқариб, сал нарсасга нафаси тикилиб, хансираб қолаётганини кўрган: “Бундан буён тандирнинг, қозон-ўчоқнинг бошига бормайсиз. Қизларни ювишни ҳаёлингизга келтирманг”, дея рўзгорининг оғир юмушларини ўз зиммасига олди. Холамбибининг мадақдорлиги тўғрисида овсини эсон-омон қақалогини қўлга олди.

Аммо Турдихоннинг соғлиғи тикланмади. Гўдакка деярли Холамбиби қарарди. Чақалок тўрт ойлик бўлганида Турдихон овсинини ёнига чақириб: “Холамбиби, менга бир нима бўлса, болаларимни ҳеч қимга ва ҳеч қаерга бермангизлар. Айниқса, мурғаккина

Набижон сизни ҳидингизга ўрганди, уни бағрингиздан узоклаштирманг”, деди.

“Йўқ, ундай деманг, опагон, сиздек фарзанд кўриб, хасталанган қамми? Бироз ўтиб тузалиб кетасиз. Сиз ҳамма қатори менга ҳам тоғдек тиргаксиз, суҳбатдошсиз, маслаҳатгўйим, дуогу-иймисиз. Ёмон ҳаёлларга борманг. Ҳали бу болаларнинг ҳузурларини кўрасиз”, деди Холамбиби.

Гўёки васиятини айтган овсиннинг жони тонга яқин узилди. Овсининг бу оламини тарк этиши Холамбиби учун оғир эди. Аммо начора, тақдир. Уни ҳеч қим ўзгартира олмади. Овсининг тўрт боласини то ўсимр ёшигача Холамбиби жонида асраб катта қилди.

Ўзи кўклам, бағри мавж урган дарё эди

Кўзларида юлдуз ёнган Усмонхон эса олти ёшдан араб алифбосини босибдан ўрганди. У мактабга боргач, энг аълочи ўқувчи бўлди. Рус тилини ўзи мустақил ўрганди. Севган фани эса адабиёт эди. Унинг учун энг яқин соғва китоб эди. “Онажон, сиз илҳомим парисисиз. Мени тонгда уйғотинг. Ушанда сизга энг яқин шеърларимни ўқиб берманг”, дерди у.

Ўғли оламга ҳайрат билан боққанда жуда ёш эди, ўзи кўклам, бағри мавж урган дарё эди. Холамбиби ўғли қўёқасида хусни Юсуфни кўрса, китобдан бош кўтармай тулпарни тонга улаганида, оқшомлари дарс берувчи донишмандликни кўрарди. У билан фахрланарди.

Усмон Носир мактабни аъло баҳо-ларга битиргач, Москвадаги Кинематография институтиди, ундан сўнг Урта Осиё давлат университетининг (ҳозирги СамДУ) тил ва адабиёт факультетиди тахсил олди. 20 ёшида уни бутун мамлакат таний бошлади. Устози Чўпоннинг асарларини у илоҳий битиклар деб тушунарди.

Замона ижод аҳлига шафқат қилмаётган бир вақтда ўғлининг Тошкентда ёлғиз қолишини истамеган Холамбиби ҳар куни Носир ҳожига: “Хоҳам, Усмонхонингизнинг қони қайноқ, ҳақиқатпарвар, халқпарвар. Шеърларининг ҳар сати тулпарни машъалдек ёритмоқда. Илтимос, унинг олдида кўчиб кетайлик”, дея зорларди.

Аёлининг кўз ёшларига чидай олмаган Носир ҳожи оиласи билан Тошкентга кўчиб келади. Дастлаб Чақар маҳалласида ижарада яшади. Сўнгра азиз дўсти, таниқли педагог Олим Шарифиддин Себзордан топиб берган уйни сотиб олди.

“Шиллер асарлари билан танишмисиз?”

Ҳаммаси яхши кетаётган эди. Тўхмат балоси ёпишишига Усмоннинг бутун иттифоқ микёсидаги шон-шўхрати сабаб бўлди. Москвада ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасидан сўнг Пушкин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан пленум ўтказилди. Москвадаги Марказий адабиётчилар уйида бутун иттифокдан шоирлар ўзувчи, адабиётчию танқидчи йиғилган.

Шу кечани бошқараётган шоир Безименский Пушкиннинг ижоди, у қилган таржималар ҳақида гапириб, мисол тариқасида немис шоири Гётедан парча ўқиб берган...

Шунда залда ўтирган Усмон Носир бирдан ўрнидан туриб: “Кечирасиз, сиз ҳозир Гёте асаридан эмас, Шиллердан парча ўқидингиз”, деб юборди. Ҳамма гур этиб Усмонга қарайди. Безименский бироз саросимага тушиб, уни сахнага тақлиф қилади ва кимсиз деб сўрайди. Усмон баланд овозда “Мен ўзбек шоири Усмон Носирман”, деб жавоб қайтарди.

Безименский “Сиз мени тузатдингиз, Шиллер асарлари билан танишмисиз?” деб сўраганида, Усмон “Мен бу асарни ёддан биламан”, дея шундай маҳорат билан ўқийдики, Безименский уни қучоқлаб, залга қарата “Мана замонавий Шарк!” деб хитоб қилади.

Шундан сўнг Москва газеталари эр-тасигаёқ унинг шеърларини рус тилига ўғириб, “Шарқда Пушкин пайдо бўлди!” руқни остида чоп этади. Бу муваффақияти билан у Москвада ҳам, Тошкентда ҳам ўзига кўплаб душманлар орттирди.

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ АДАБИЁТГА ҲУРМАТИ, УСМОН НОСИР ИЖОДИГА ҒАМХЎРЛИГИ ШОИРНИ “ЧУҚУР ЖАР”ДАН ОЛИБ ЧИҚДИ. БУ АДОЛАТЛИ ҚАРОРНИ УМРИ ДАВОМИДА КУТИБ, КЎЗЛАРИДАН ҚОНЛИ ЁШ ТЎКИБ ЎТГАН МУШФИҚ ОНАНИНГ РУҲЛАРИ ШОД БЎЛСИН. ЭНДИ ШОИРНИНГ ҲАЙКАЛИ ПОЙИГА ГҮЛ ҚЎЯДИГАН, У ҲАҚДА ДОСТОНЛАР, ШЕЪРЛАР, ИНШОЛАР ЁЗАДИГАН АВЛОДЛАР ШУНДАЙ АДИБ БОРИЛГАНИНИ УНУТМАЙДИЛАР. МЕН УЛАРГА ЮРАГИМДА ФАХРУ ҒУРУР БИЛАН БУНДАЙ ДЕЙМАН: “ЎЗБЕКНИНГ АФСОНАГА АЙЛАНГАН ИСТЕЪДОДЛИ, ЖАСУР ФАРЗАНДЛАРИНИ МАҒРУР ОНАЛАР ДУНЁГА КЕЛТИРАДИЛАР. УНУТМАНГ! УЛАРДАН БИРИНИНГ ИСМИ ХОЛАМБИБИ ЭДИ”.

Оналик бахтининг ўзи етарли эди

Шу воқеа сабаб бўлди-ю, ўғлининг шон-шўхрати ёйилгандан-ёйилди. Холамбибининг мушфиқ қалбига эса улкан хавотир ёпирилиб кирди. Унинг учун оддий ва буюқ оналик бахтининг ўзи етарли эди. У ҳам ҳамма қатори ўғлининг тўйини кўрмоқчи, совчиликка бориб, куда-андали бўлмоқчи эди.

“Усмонхон, сизни сўраб, уйимизга мухлисларингиз келмоқда. Менинг келин борасидаги орзуларим жуда баланд, ўғлим”.

— Хавотир олма, ая, сен узоққа, чекка бир гўзал қишлоққа совчиликка борасан. Уша ердаги ёмон кўзлардан панада қизган қизни келинликка танлайсан. У кўз сенга ёқсагина, мен ўшанга уйланман. У, албатта, ўзбек қизи бўлади.

Уларнинг суҳбатига аралашган сингилси Инобатхон:

— Ажагон, нега сиз бир умр аямни сенлайсиз? — деди.

— Эҳ, тушунмаган. Аям мен учун Аллоҳдан кейин туради. Худди Аллоҳга сиз деб мурожаат ва муножат қилолмаганнимдек, аямга ҳам сиз деб мурожаат қила олмаيمان, — дейди Усмон.

Ўғлининг шоирлиги Холамбиби аянинг ҳам бахти, ҳам бахтсизлиги эди. Бахти — боласининг шеърлари



газеталарда мунтазам нашр этилар, таржималари шов-шувга айланарди.

Боласининг қўли очик эди. Ёзганлари учун берилган каттагина қалам ҳақини бир ҳафтада муҳтожларга тарқатарди. Шеърини тўпламлари ва дostonларига берилган қалам ҳақида шоир дўстларини уйга чақириб зиёфат берар эди. Таржималари учун берилган гонорарларни та-

Усмон Носир қамоққа олингандан сўнг фақат бир мартагина сингилси Роҳатхонга Тошкентдаги турмадан хат келди. Унда: “Сингилм Роҳатхон! Ўйғунниқига бориб нарсаларимни ол. Мадамин Давроннича уйда пальтом бор. Иброҳим Назирниқига этигим ҳам. Шуларни олиб келиб, менга кир-изиб юбор. Кетадиганга ухшайман”, деб ёзилган эди.

Бошқа бундай имконият бўлмади. Совуқ ўлкаларга ҳам маҳбусларга мактублар ва ёғоч қўтиларда жўнатмалар — қуруқ мева, иссиқ кийим юбориш мумкин бўлган. Биргина Усмон Носир бу марҳаматлардан бебаҳра эди. Онаси эса ўғлидан бирор мужда эшитиш учун ўзини ўтқа, чўққа урарди.

“Тўхмат ёғдирганларга ўзинг кифоя қил!”

Хиёбон ёнида, Пушкин кўчасида жойлашган Ёзувчилар уюшмасига бориб, ҳеч бўлмаса, ўғли қаердаги қамоқхонага юборилганини айтишларини ўтиниб сўради. Бирор жавоб ёки далда ўрнига ҳақорат эшитган она уюшманинг зинасидан тушаётганда туртиниб кетиб, кўзи тиниб, юзтубан йиқилди.

Ёнида 4 ойлик чақалогини кўтариб олган қизи Роҳатой бор эди. Уша тўрт ойлик чақалок ҳозир 80 ёшни қарши олаётган, ижодининг катта қисмини Усмон Носирга бағишлаган адиба ва шоира Нодирахон Рашидова эди.

Роҳатой бир қўлида чақалогини, бир қўли билан эса онасини суяб тургизмоқчи бўлди. Она эса совуқ ерда чўққалади-ю, қиблага қараб: “Аллоҳим, боламнинг бошига тўхмат ёғдирганларга ўзинг кифоя қил! Боламнинг йигит жонига раҳм қил! Усмонимнинг юзини оқла”, дея ерга бош урди. Қўлида йиғлаётган чақалогини билан Роҳатой ҳам: “Гуноҳимиз нима, Аллоҳим? Бизга ҳам ёруғ кун борми? Бизга ҳам рўшнолик борми?” дея йиғлаб, онасининг туришига қўмақлашди.

1944 йил 9 март куни Усмон Носир оғир хасталигидан сўнг Кемерово қамоқхонасида вафот этди.

Афсуски, энди кеч эди...

Халқимизнинг сеvimли шоири 1940 йил 20 августда Сталин номига хат ёзди. Мактубда шоир “иш”ини қайта кўриб чиқишларини сўрайди. Ажабланарлиси, минглаб шундай мактублар орасидан Усмон Носирнинг хати эътиборга тушади ва Ўзбекистон ҳукумати Кремлдан шоир ишини қайта кўриб чиқиш ҳақида буйруқ олади.

Буйруқ ижроси қўзилиб, 1944 йилнинг сўнгида профессор Боровков, шоир Мақсуд Шайхзода ва “Қизил Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррирдан тарқиб топган комиссия Усмон Носирни айбсиз деб топади. Афсуски, энди кеч эди...

1956 йилда Ёзувчилар уюшмасидан келган вакиллар Холамбиби ая ва Носир ҳожи отага фарзанди Усмон Носир вафот этгани ва у вафотидан сўнг оқлангани ҳақидаги хабарни етказди.

Шу пайтгача ўғлим тирик деган умидга суяниб турган Холамбиби бу мусибатни бир неча ой кўтара олди, холос. У 1957 йилда Аллоҳга омонатини топширди. 1975 йилда эса Носир ҳожи ёруғ дунёни тарк этди. “Ўғлим Усмонхон мени жаннат эшигига кутиб турибди”. Бу Носир ҳожи-нинг сўнги сўзлари бўлди.

“Унутмас мени боғим”

2022 йил 10 февраль куни Президентимизнинг “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, Усмон Носир ҳаёти ва фаолиятини, хусусан, унинг қатагон даврида кечган йилларини ўрганиш, ҳозирга қадар номаълум бўлиб келаятган қўлзма асарларининг тақдири ҳақида маълумотлар тўплаш мақсадида ишчи гуруҳ тузилиб, унинг Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, шунингдек, Россиядаги тегишли архив материаллари билан танишиш учун шароит яратилади.

Наманган шаҳрида Усмон Носирга ҳайкал ўрнатилади. Тошкент ва Наманган шаҳарларидаги кўчаларга Усмон Носир номи берилади. Умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари ўртасида Усмон Носир ҳаёти ва ижодида бағишланган “Унутмас мени боғим” мавзусида иншоолар танлови ўтказилади.

Ушбу тарихий қарорни ўқир эканман, Холамбиби аянинг 25 ёшида “халқ душмани” дея қамоққа олинган шоир ўғли ҳақида қилган илҳомлари энди ижобат бўлганини кўрдим.

Тўхматга учраган шоир “Итардилар мени чуқур бир жарга”, деб ёзган эди. Шоир руҳи йиллар давомида “чуқур жар”дан чиқмоқ учун ер тирнади. Унинг эрқарвар руҳи Магадан, Кемероводаги қоронғу ўрмонларда саросар кездди.

Давлатимиз раҳбарининг адабиётга ҳурмати, Усмон Носир ижодида ғамхўрлиги шоирни “чуқур жар”дан олиб чиқди. Бу адолатли қарорни умри давомида кутиб, кўзларидан қонли ёш тўкиб ўтган мушфиқ онанинг руҳлари шод бўлсин.

Энди шоирнинг ҳайкали пойига гул қўядиган, у ҳақда дostonлар, шеърлар, иншоолар ёзадиган авлодлар шундай адиб борлигини унутмайди. Мен уларга юрагимда фахру ғурур билан бундай дейман: “Ўзбекининг афсонага айланган истеъдодли, жасур фарзандларини мағрур оналар дунёга келтирадilar. Унутманг! Улардан бирининг исми Холамбиби эди”.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлзмаалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1973

Ҳажми — 3 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусахҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзловлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎА яқуни — 22:55 Топширилди — 00:15